

Озиқ - овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича

ШАРТНОМА №14

Риштон шахри.

“**7**”январ 2022 й

Бизлар ким имзо чекиб шартнома тўзувчилар келгусида «Сотувчи» деб аталувчи **«Sohibkor chashma» хусусий корхонаси раҳбари С.Косимов** бир томондан ва келгусида «Сотиб олувчи» деб аталувчи **«Риштон туман Мактабгача Таълим Бўлими»** ўз Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбар **М.Дадажонова** ушбу шартномани имзолаш билан куйидагилар келишилди.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1 “Сотувчи” ушбу шартномага асосан “Сотиб олувчига” ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий кийматидан ошмаган суммадаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беради, “Сотиб олувчи” етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларни қабул килиб олиб, тўлов хужжатларини амалдаги конунчиллик талабларига мувофиқ расмийлаштириб, харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибида амалга оширади.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдор	Нархи	Суммаси
1	Сут 2,5%	литр	1 290	4 000	5 160 000
	<b>Жами:</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>5 160 000</b>

**I. ШАРТНОМА БАҲОСИ, МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

2.1 Мазкур шартноманинг умумий киймати беш **миллион бир юз олтимиш минг** сўмни ташкил этади.

2.2. “Сотувчи” томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари “Сотиб олувчи”нинг талабига кўра боскичма-босқич етказиб берилади.

2.3 “Сотиб олувчи”га озиқ-овқат маҳсулотлари “Сотувчи”нинг транспортида 30 (уттиз) кун муддат ичидан етказиб берилади.

2.4 “Сотувчи” тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беради.

2.5 “Сотиб олувчи” «Сотувчи» тақдим этган хужжатларга асосан ўзил-кесил хисоб-китобни ўзаро келишилган муддатларда “Сотувчи” хисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.6. Маҳсулот етказиб бериш даврида маҳсулотларнинг нархлари ўзгарган тақдирда “Сотувчи” ёки “Сотиб олувчи” ташаббуси билан мазкур шартномага кўшимча келишув шартномаси тўзилиши мумкин.

2.8. “Сотиб олувчи” “Сотувчи”га олинадиган товарининг 30 (уттиз) фоиз хакини олдиндан ўтказиб беради, товарининг қолган суммасини 30 банк иш куни мобайнида кечиктиримай тўлиқ тўловини таъминлайди.

**III. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ**

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

3.2 “Сотиб олувчи” томонидан талабномани озиқ-овқат маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 3 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Талабномани чопар орқали қабул килишда “Сотувчи”нинг ходими “Сотиб олувчи”да қоладиган нусхага санани кўрсатган холда у қабул килинганилиги тўғрисида белги кўяди.

3.3. “Сотиб олувчи” илгари берилган талабномани бекор қилишга ёхуд озиқ-овқат маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳаклиди, бу хакда “Сотувчи”ни талабномада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор киласи.

3.4. “Сотиб олувчи” муддатлар бўзилган холда етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳаклиди.

3.5. “Сотиб олувчи” “Сотувчи” томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз маҳсулотлар етказиб берилган ҳолатларда шартномани “Сотувчи” ни ёзма хабардор килган холда бир томонлама бекор қилиши мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро кўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

**IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**“Сотувчи”нинг мажбуриятлари:**

4.1 “Сотувчи” етказиб бериладиган маҳсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сифат сертификати ёки тахлил (текшириш) баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди. Акс холда озиқ-овқат маҳсулотлари “Сотиб олувчи” томонидан қабул килинмайди.

4.2 “Сотиб олувчи”га озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш вақтида тегишли сифат сертификат ёки тахлил (текшириш) баёни нусхасини тақдим этади.

4.3 Озиқ-овқат маҳсулотларини қабул килиб олиш вақтида аникланган камчиликларни “Сотиб олувчи” талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

4.4 “Сотиб олувчи” томонидан сотиб олинган маҳсулотларига 3 ой муддат утгандан сунг нарх-наво ва сифатига булган даъво «Сотувчи» томонидан қабул килинмайди.

### **“Сотиб олувчи”нинг мажбуриятлари:**

4.5 Ўз талабномаси бўйича етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул килиш;

4.6. Озиқ-овқат маҳсулотларини мазкур шартномада кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда ўзил-кесил хисоб-китобни амалга ошириш.

4.7. Шартномани амал килиш даврида “Сотувчи” томонидан давлат манфаатларига зарар етказиш холатлари аниқланган тақдирда шартномани бир томонлама бекор килишга ҳаклиди.

### **V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БЎЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари утиб кетган маҳсулотларни етказиб берилган холда «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан бундай маҳсулотларни умумий кийматидан 20%, жарима куллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Сотувчи» муддати утган ҳар бир кун учун кечикирилган маҳсулот кийматининг 0,5% микдорида лекин кечикирилган маҳсулот кийматининг 50% дан ошмаган холда «Сотиб олувчи»га пена тўлайди.

5.3. Агар «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан олинган маҳсулот пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати утган ҳар бир кун учун кечикирилган сумманинг 0,4% микдорида, лекин кечикирилган тувоннинг 50% ошмаган микдорда пена тулайди.

5.4. Жарималар туланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

### **VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳаклиди.

### **VII. ФОРС-МАЖОР**

7.1. Форс-мажор холатлар, жумладан ер кимирлаши, сел келиши каби табиий оғатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан янги қонун ва карорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган холатларда тарафлар мазкур шартнома ва кўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

### **VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

8.1. Мазкур шартнома “Сотиб олувчи”, “Сотувчи” томонидан тасдиклангандан сўнг кучга киради ва 2022 йил “4” январдан 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8.3. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

### **IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

9.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхалари teng юридик кучга эгадир.

#### **АЛОХИДА ШАРТЛАР**

#### **IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:**

##### **«Сотувчи»**

##### **«Sohibkor chashma» хуусусий корхонаси**

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Риштон туман Вохим кишилоги

Тел./факс: 99890 325 64 17

х/в: 20208000505076008001

Банк номи: Микрокредитбанк Риштон туман фил

МФО: 00520 СТИР: 306408245

ОКОНХ :

##### **«Сотиб олувчи»**

##### **Риштон туман мактабгача таълим бўлими**

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Риштон шахар Баҳтиёр кўчаси 12 ўй

Тел./факс 73-452-1181

ш/хр: 100022860302247091100251035

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 305154421

ОКОНХ: 85100

Ўзб. Респ. Молия Вазирлиги Ғазначилиги Ягона Ғазна

Хисоб вараги

Ғазна x/р 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш. Бош

бошкармаси хисоб китоб касса маркази

МФО 00014

ғазначилик бўлимини СТИРИ 201122919

Рахбар  
(лавозим)

С. Косимов  
(Ф.И.Ш)

М. Ў.



Хукукшунос:



М. Дадажонова.  
(Ф.И.Ш)

Рахбар  
(лавозим)

М. Ў.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№ ER5861321270**

1. Loyihaning turi: ShARTNOMA № 14

2. Loyihaning nomi: Oziq-ovqat mahsulotlarini yetkazib berish

Umumiy summasi 5 160 000 (besh million bir yuz oltmish ming) so'm bo'lgan sut mahsulotlari yetkazib berish bo'yicha "Sohibkor chashma" xususiy korxona rahbari S.Qosimov va Rishton tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi rahbari M.Dadajonovalar o'rtalarida tuzilgan №14-sonli shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi Rishton tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 07.01.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsult**



**B.I.Bo'riyev**